

**«Т А С Д И Қ Л А Й М А Н»**  
**Когон туман Мактабгача таълим Бўлими**  
**Харид комиссиясининг раиси**



**З.Ж.Кахорова**

**2022 йил**

« 12 »

Когон туман Мактабгача таълим бўлими

**ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

№	Асосий маълумотлар	Бажарувчи
1	Таъмирланадиган объект	Когон туман Мактабгача таълим Бўлимига қарашли 14-МТТнинг атрофини ураб олиш ва болалар айвончаларини янгилаш ишлари
2	Буюртмачи	Когон туман Мактабгача таълим бўлими
3	Буюртма учун таъмирлаш	14-МТТнинг атрофини ураб олиш ва болалар айвончаларини янгилаш ишлари
4	Жойлашган ўрни	Когон шаҳар Коровулбозор шох куч №5 уй
5	Қатнашувчилар учун талаблар	14-МТТнинг атрофини ураб олиш ва болалар айвончаларини янгилаш ишлари
6	Тижорат таклифларини тақдим этиш шартлари	Электрон танлов <a href="https://etender.uzex.uz">https://etender.uzex.uz</a> орқали танлов хужжатлари
7	Бажарилган ишлар ҳисоб-китоби	407 636 906
8	Ишни бажариш муддати	2022 йил октябрь ойи
9	Техника хавфсизлиги бўйича талаблар	Иш бажариш жараёнида техника хавфсизлик қоидаларига тула риоя қилиш шарт
10	Молиялаштириш манбаи	Ташаббусли бюджет

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**  
Когон туман Мақтабгача таълим Бўлими  
Харид комиссиясининг раиси



З.Ж.Кахорова  
2022 йил

« 12 »

**ҒИЖДУВОН ТУМАН МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ БЎЛИМИГА  
ҚАРАШЛИ 14-МТТНИНГ АТРОФИНИ УРАБ ОЛИШ ВА БОЛАЛАР  
АЙВОНЧАЛАРИНИ КУРИШ ИШЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ УЧУН**

**ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ**

**Когон туман - 2022 йил**

**Танлов ҳужжатларининг мазмуни:**

**I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**

**II. Техник қисм**

**III. Нархлар қисми**

## **ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**

### **1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

1. Танлов предмети: Когон туман Мактабгача таълим Бўлимига қарашли 14-МТТнинг атрофини ураб олиш ва болалар айвончаларини қуриш ишлари

1.2. Танловнинг юқори қиймати – 407 636 906 (тўрт юз етти миллион олти юз уттиз олти минг туккиз юз олти) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича Танлов ҳужжатларида илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ҳолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати: Ҳолиб бўлган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган тижорат таклифига асосан белгиланган график бўйича.

1.5. Ишларни бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

### **2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1. Когон туман Мактабгача таълим Бўлими (бундан кейин – “Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Когон шаҳар Коровулбозор шох куч №5 уй

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов Когон туман Мактабгача таълим Бўлими “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### **3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1. Танлов мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 2 йил тажрибага эга бўлган барча Юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:  
танлов предмети ишлар(хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

- 684-Қонун 13-моддасига риоя этилиши шарт
- Моддий-техника базаси
- Бахтсиз ходисалар бўлган вазиятларда ишчи ходимларнинг ҳаёти сугурталанганилиги
- Техника ҳафсизлиги қоидаларига риоя қилиш талаблари ҳамда йуриқномалари
- Танлов объектига ўхшаш объектлардан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;
- Солик ва бошқа мажбурий туловлардан қарздорлиги йўқлиги тугрисида
- Қатнашувчининг ташкил этилиши, тугатилиши ёки банкрот бўлиши, миқдор билан суд ёки ҳакамлик муҳокамаси ҳолатида бўлмаганлиги тугрисидаги қафолат хати.
- Иштирокчи қорхонанинг давлат руйхатидан ўтган даврдан бошлаб унинг иш тажрибаси (гувоҳнома, Низоми (устав), ва умумий маълумотлар
- Қурилиш-пудрат ташкилотлари электрон рейтинг
- Иштирокчи қорхонанинг омиборида махсулот мавжудлиги
- Қорхонанинг мавжуд транспорт воситалари ҳақида маълумот
- Ишларни бажариш муддати Қафолат хати
- Нохалол иштирокчилар реестрида мавжуд эмаслиги тугрисида маълумот

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар) ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рўхсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рўхсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш(ажралиши, қўшилиши), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулк мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик қелишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

#### **4.ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1.Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ва рус тилида такдим этилиши мумкин.

4.2.Танлов ҳужжатларида қуйидагилар такдим этилиши лозим:

Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиганиш ва хизматлар кўрсатилиши керак.

4.3.Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Танлов талаблари бўйича талаб килинган ҳужжатлар бириктирилади

4.4. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;
- такдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш қиритиш ҳуқуқига эга.

#### **5.ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ**

5.1.Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5 календар кунга узайтириши мумкин.

5.2.Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3.Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

#### **6.ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1.Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

6.2.Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда қолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3.Танлов иштирокчиси такдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Қолиб иштирочи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

#### **7.БОШҚА ШАРТЛАР**

7.1.Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар қиритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар қиритилган санадан эътиборан қаида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартириш қиритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3.Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзолаган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5.Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.